

“O‘ZBEKISTON TEMIR YO‘LLARI”

aksiyadorlik jamiyati



**TOSHKENT TEMIR YO‘L
MUHANDISLARI INSTITUTI**

U S T A V I

Toshkent -2018

“ТАС ДИКЛАЙМАН”
“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
бошқарув раисининг биринчи
ўринбосари
А.С. Шукуров
11.05.2018 й.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGI
HUZURIDAGI DAVLAT
XIZMATLARI AGENTLIGI
TOSHKENT SHAHAR
BOSHIQARMASI
MIROBOD TUMAN
DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI
RO'YXATGA OLINDI
13.02.20 y. № 001982-08

[Handwritten signature]



Тошкент темир йўл муҳандислари институтини УСТАВИ



Ректор
М.Х. Расулов
11.05.2018 й.

I. Умумий қоидалар

1. Toshkent temir yo‘l muhandislari instituti (matn davomida “ТТҮМІ” деб номланеди) 1931 йил 30 июнда ташкил этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги 4720 – сонли Фармониға мувофиқ ва “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқарув раисининг 2015 йил 4 августдаги 308-сонли буйруғига мувофиқ “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибидаги олий таълим муассасаси хисобланади.

2. ТТҮМІ “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринда матнда “ЎТИ” АЖ деб юритилади) ташкилий тузилмасига киреди.

ТТҮМІ давлат олий таълим муассасаси хисобланиб, олий таълимнинг асосий ва қўшимча таълим дастурларини бажариш бўйича таълим фаолияти билан шуғулланади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув-услубий, маънавий-маърифий ва илмий-тадқиқот ҳамда бошқа фаолиятни амалга оширади ва таълим хизматларини кўрсатади.

3. ТТҮМІ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва мазкур Уставға амал қилади.

4. ТТҮМІ юридик шахс мақомиға эға ва бюджет муассасаларига тенглаштирилган. Оператив бошқарувида ўзига хос махсус мол-мулкка эға ва ушбу мол-мулк бўйича ўз мажбуриятларига мувофиқ жавоб беради, ўз номидан мол-мулк сотиб олиши ва мулкий ҳамда номулкий ҳуқуқларни амалга ошириши, зиммасига мажбурият олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Мустақил балансға, банк муассасаларида хисоб-китоб ва бошқа, шу жумладан валюта бўйича хисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, штамплар ва бошқа реквизитларға эға.

ТТҮМІ почта манзили ва жойлашган жойи:

Ўзбекистон Республикаси, 100167, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Одилхўжаев кўчаси, 1-уй.

ТТҮМІ нинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тулик номи – “Toshkent temir yo‘l muhandislari instituti”;
қисқартирилган номи – “ТТҮМІ”;

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Ташкентский институт инженеров железнодорожного транспорта;

кискартирилган номи – "ТашИИТ";

в)инглиз тилида:

тўлиқ номи – "Tashkent Institute of Railway Engineers";

кискартирилган номи – "TIRE".

II. ТТҮМІ нинг асосий вазифалари

5. ТТҮМІ нинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– шахснинг интеллектуал, маданий ва маънавий-ахлоқий камол топишига бўлган эҳтиёжларини олий таълим ва олий таълимдан кейинги маълумот олиши орқали эришишни кондириш;

– ҳар томонлама ривожланган ва содиқ шахсни, мустақил давлат фуқаросини, ўз Ватани фидойиси, халқ, жамият ва оила олдидаги ўз масъулиятини хис қилувчи, миллий ва умуминсоний кадриятларни ҳурмат қилувчи, халқ анъаналарини бойитувчи ва мустаҳкамловчи, Ватанимиз келажаги учун виждонан ва ҳалол меҳнат қилувчи этиб шакллантириш;

– илмий-педагогик ходимлар ва таълим олувчиларнинг тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фанни тараккий эттириш, олинган натижалардан таълим жараёнида фойдаланиш;

– иктисодиётнинг тегишли соҳаларидаги олий маълумотли мутахассисларни ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

– жамиятнинг ахлоқий, маданий ва илмий кадриятларини сақлаш ва бойитиш;

– аҳоли ўртасида билим тарқатиш, унинг маънавий-маърифий ва маданий даражасини кўтариш.

III. Ўқув-тарбиявий ва илмий-услубий ишларнинг субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

а) Талабалар:

6. ТТҮМІ ректорининг буйруғи билан ўқишга қабул қилинган шахс ТТҮМІ талабаси ҳисобланади. Талабага талабалик гувоҳномаси ҳамда рейтинг дафтарчаси берилади.

а) ТТҮМІ га конунчиликда белгиланган тартибда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими маълумотига эга бўлган шахслар аризаларига биноан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидаларига мувофиқ, давлат комиссияси томонидан ўтказилган тест синовлари натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

б) ТТҮМІ га қабул барча учун (ҳам грантлар, ҳам тўлов-контракт бўйича)

тенг ҳуқуқлилиқ, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда ўқишга қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади. Қолган абитуриентлар тест баллари рейтинги асосида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида ўқишга қабул қилиниш ҳуқуқига эгадирлар. Қонунчилиққа мувофиқ тест синовларисиз муайян имтиёз асосида ҳам ўқишга қабул қилиш кафолатланади.

7. ТТҮМІ талабалари куйидаги ҳуқуқларга эга:

– фан, техника, замонавий технологиялар ютуқларига мос келувчи билимлар олиш;

– ТТҮМІ ахборот-ресурс марказида мавжуд бўлган китоблар, даврий нашрлар, электрон таълим воситаларидан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;

– бепул маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар олиш;

– аудиториялар, таълим жараёнига оид воситалардан ўрнатилган тартибда бепул фойдаланиш;

– таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз тақлиф-мулоҳазаларини, танқидий фикрларини белгиланган тартибда таълим муассасаси, деканат ва кафедра раҳбариятига билдириш ва уларнинг кўриб чиқилишини талаб қилиш;

– ТТҮМІ ва факультет миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларда иштирок этиш;

– илмий тадқиқот ишларида ва илмий конференцияларда қатнашиш ва уларнинг натижаларини нашр этиш ва бу ҳақида ахборотлар бериш;

– ТТҮМІ да қонуний равишда фаолият юритаётган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ва улар ишида қатнашиш;

– талаба сифатли ва юқори савияда билим олиши, танлаган ихтисослиги бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб етишиши учун зарур қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидир;

– талаба ўз ҳуқуқларини суистемол қилмаслиги, бу ҳуқуқлардан ўзга шахслар манфаатига зид мақсадларда фойдаланмаслиги шарт.

ТТҮМІ талабалари назарий билимларини чуқур ўрганишлари, амалий малакаларини такомиллаштиришлари, ўқув режаси ва ўқув дастури асосида белгиланган топшириқларни ўз вақтида бажариш, дарс жадвалига асосан барча дарсларга қатнашишлари, ТТҮМІ ректори буйруқларига, ТТҮМІ Уставига, Ички тартиб-қоидаларига, ТТҮМІ ректори томонидан тасдиқланган одоб-ахлоқ қоидаларига, талабалар турар жойларида яшаш тартиб-қоидаларига ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раисининг ҳамда ТТҮМІ ректорининг буйруқларига белгилаб қўйилган темирйўлчи формасини кийиб юриш тартиби ва маданиятига риоя этишлари мажбуридир.

8. Давлат грантлари бўйича ва тўлов-контракт асосида ўқитишнинг

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолдаги шаклида таълим олаётган талабалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб ва миқдорда стипендия билан таъминланадилар.

Талабалар тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси, Беруний, Улғубек, Ислоҳ Каримов номидаги Давлат стипендиялари ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ стипендиялари, шунингдек, ўқишга йўллаган юридик ва жисмоний шахслар тайинлаган стипендияларни олиш ҳуқуқига эгадирлар.

9. Ҳарбий хизматни ўташ, саломатликни тиклаш, хомилдорлик ва туғиш, шунингдек, бола парвариш қилиш таътиллари даврида талабага Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида академик таътил берилиши мумкин.

10. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қондузги ўқув шаклида таълим олаётган талабаларга ТТҮМІ да ўқиётган вақти давомида ҳарбий хизматга чақирилиш муддатини кечиктириш имкони берилади.

11. ТТҮМІ талабалар турар жойига муҳтож талабалар ТТҮМІ нинг талабалар турар жойларидан санитария меъёрлари ва қоидаларига жавоб берадиган жой билан таъминланади. Талабалар турар жойларида талабаларга кўрсатиладиган коммунал-маиший хизматлар учун тўловлар миқдори ТТҮМІ Илмий Кенгашида кўриб чиқилиб, мустақил белгиланади. Турар жойга муҳтож талабалар мавжуд бўлгани ҳолда, ТТҮМІ талабалар турар жой майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланиш (ижарага бериш, бошқа келишувлар)га рухсат этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири томонидан 2003 йил 9 январда № 9–сонли буйруқ билан тасдиқланган “Олий таълим тўғрисидаги НИЗОМ”нинг 50-моддасига мувофиқ, талабаларга ўқишдан бўш вақтларда, куннинг иккинчи ярмида, ТТҮМІ нинг ўзида, шунингдек, бошқа жойларда ишлашга рухсат этилади.

12. ТТҮМІ дан ўз хошиши ёки узрли сабабларга кўра четлаштирилган талаба, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқиндан четлаштириш тартиби ва қоидалари асосида ТТҮМІ га ўқишини қайта тиклаш ҳуқуқига эга.

Илгари ТТҮМІ маъмуриятининг ташаббуси билан ўқишдан четлаштирилган шахсларни, барча ўқув шакллари бўйича талабалар сафига қайта тиклаш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

ТТҮМІ талабалари белгиланган тартиб ва қоидалар асосида бошқа олий таълим муассасаларига ўқишларини кўчириш (ўқишга қайта тикланиш) ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълим фаолиятини олиб бориш учун лицензияга эга бўлмаган нодавлат олий таълим муассасалари ва бошқа мамлакатлар олий таълим муассасаларининг филиаллари (марказлар, бўлимлар, ўқув-маслаҳат пунктлари ва бошқалар)дан талабаларни ТТҮМІ га ўқишини кўчириш (ўқишга тиклаш) мумкин эмас.

Талабалар ўқишини бир олий таълим муассасасидан бошқасига кўчириш,

кайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

13. ТТҮМІ талабалари олий таълимнинг таълим дастурлари ва ўқув режасида назарда тутилган билимларни эгаллашлари, топшириқларнинг барча турларини белгиланган муддатда бажаришлари ҳамда ТТҮМІ нинг Уставига, Ички тартиб қоидалари ва Талабалар турар жойларида яшаш қоидаларига риоя этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, талабаларни ўқиш вақти ҳисобидан таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ман этилади.

14. Ушбу Устав ва ТТҮМІ нинг ички-тартиб қоидаларида назарда тутилган мажбуриятларни бузгани тақдирда талабага нисбатан қуйидаги интизомий жазо чоралари кўрилади: ҳайфсан ҳамда талабалар сафидан четлаштириш.

ТТҮМІ талабалар сафидан четлаштириш Вазирлар Маҳкамасининг 20 июнь 2017 йилдаги 393-сонли қарори асосида амалга оширилади.

Талаба ТТҮМІ дан қуйидаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:

- а) ўз хохишига биноан;
- б) ўқишнинг бошқа таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан;
- в) саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);
- г) ўқув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;
- д) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;
- е) ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);
- ж) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;
- з) вафот этганлиги сабабли.

Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида талабага Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида академик таътил берилиши мумкин.

Белгиланган муддатларда фанларни ўзлаштира олмаган (академик қарздор бўлган) талаба олий таълим муассасаси ректори буйруғи билан курсдан қолдирилади.

Академик қарздорлиги туфайли курсдан қолдирилган талаба тўлов-контракт асосида ўқишини қуйи курсдаги ўқув семестри бошидан бошлаши мумкин.

Интизомий жазолар талабаларнинг касаллик ёки таътилда бўлган вақти ҳисобга олинмаган ҳолда хатти-ҳаракат аниқланганидан сўнг бир ойдан ва хатти-ҳаракат содир этилганидан сўнг олти ойдан кечиктирмай қўлланилади.

Талабаларни касаллик даврида, академик таътил ёки хомиладорлик ва туғиш ҳолати билан боғлиқ бўлган таътил пайтларида талабалар сафидан четлаштириш мумкин эмас.

Касаллик ҳолати ҳақида талаба (ёки унинг ота-онаси) ариза ва тегишли маълумотномалар билан, одатда, бир ҳафтадан кечиктирмасдан ТТҮМІ га маълум қилиши лозим.

б) Тингловчилар:

15. ТТҮМІ қошидаги кадрлар малакасини ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш темир йўл Марказида ўқиётган шахслар тингловчи ҳисобланади. Тингловчиларнинг таълим олишдаги мақоми ТТҮМІ талабаси мақомининг баъзи қисмларига мос.

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартиби, тингловчиларни ўқитиш шартлари ва ҳуқуқлари кадрлар малакасини ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш темир йўл Маркази конун ҳужжатларига мувофиқ тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

16. ТТҮМІ да таълимнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолдаги ўқув шаклларида муваффақиятли ўқиётган тингловчиларга уларнинг иш жойидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг тегишли моддаларида, Тармоқ битими ва жамоа шартномасида назарда тутилган имтиёзлар (маоши сақланган ёки сақланмаган ҳолда қўшимча таътил, олий таълим муассасаси жойлашган манзилга бориш ва келиш учун йўл хақи ва бошқалар) берилиши мумкин.

в) докторантлар ва мустақил изланувчилар:

17. ТТҮМІ нинг докторант ҳамда мустақил изланувчилари сифатида ТТҮМІ да ташкил этилган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлар бўйича мутахассисликни чуқур ўрганаётган ва докторлик диссертациясини тайёрлаётган ва химоя қилиш мақсадида илмий изланишлар олиб бораётган фан доктори даражаси изланувчилари ҳисобландилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда химоя қилиш мақсадида олий ўқув юртидан кейинги таълим ТТҮМІ га белгиланган тартибда қабул қилинган шахс докторантура изланувчиси ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ўқув юртидан кейинги таълим ТТҮМІ га белгиланган тартибда қабул қилинган шахс мустақил изланувчи ҳисобланади.

18. Олий ўқув юртидан кейинги таълим ТТҮМІ ларига докторантурага ва мустақил изланувчилар лавозимларига қабул қилиш ТТҮМІ да ташкил этадиган махсус комиссиялар томонидан танлов асосида амалга оширилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим ТТҮМІ ларида ўқишга талабгорларни танлаб олиш кириш имтиҳонлари натижаларига кўра, конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Олий ўқув юртидан кейинги таълим уч йилгача давом этади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим ТТҮМІ га қабул қилиш, тугатиш, шунингдек, докторлик диссертацияси устида ишлаётганликлари учун

имтиёзлар бериш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш каби масалалар, ушбу Устав тасдиқланаётган пайтда амалда қилинаётган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сонли қарорига мувофиқ амалга оширилади.

г) ТТУМІ профессор-ўқитувчилари таркиби, ўқув-ёрдамчи ва маъмурий-хўжалик ходимлари (персонали)

19. ТТУМІ да “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ раҳбарияти томонидан тасдиқланган штат жадвалига мувофиқ профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий ходимлар, муҳандис-техник, маъмурий-хўжалик, ишлаб чиқариш, ўқув-ёрдамчи ва бошқа хизматчилар лавозимлари мавжуд.

Профессор-ўқитувчилар таркибига кафедра мудирини, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент ва ўқитувчи-стажёр лавозимлари қиради (ўқитувчи-стажёр лавозими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 164-сон қарорига асосан киритилди).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартдаги Ф-137-сонли Фармойишига мувофиқ ТТУМІ проректори ректор тавсиясига кўра “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони билан келишилган ҳолда тайинланади. Факультет декани “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ раҳбарияти билан келишилган ҳолда ТТУМІ ректорининг буйруғи билан тайинланади.

20. ТТУМІ нинг профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– белгиланган тартибда ТТУМІ ва факультет Илмий Кенгашларига сайлаш ва сайланиш;

– ТТУМІ фаолиятига тааллуқли масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;

– ТТУМІ ахборот-ресурс маркази, ўқув ва илмий бўлимларнинг хизматларидан, шунингдек, ижтимоий-маиший, тиббий ва бошқа бўлимлар хизматидан жамоа шартномасига мувофиқ фойдаланиш;

– ўқитишнинг услуб ва воситаларини танлаш, ўқув ва илмий жараённинг юқори сифатини таъминловчи илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш;

– ТТУМІ маъмуриятининг буйруқ ва фармойишлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда мурожаат қилиш;

– қонунчиликда белгиланган тартибда танловларда катнашиш, лавозимларни эгаллаш;

– ўзлари ишлаётган кафедра, факультетдан ташқари бошқа факультет, кафедра, ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлаш (асосий иш жойи билан

келишилган ҳолда);

– хорижий ҳамкасбларнинг соҳага доир илмий ва ўқув-услубий адабиётлари билан танишиш ва улар билан фикр алмашиш;

– ўз фани бўйича сифатли дарсликлар ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш;

– назарий билимларини, амалий тажрибасини, илмий тадқиқот олиб бориш услубини, педагогик маҳоратини такомиллаштириб бориш;

– талабаларнинг илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

– грантлар, илмий лойиҳалар, хўжалик шартномаларида иштирок этиш;

– Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасига оид қонунчилигида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

21. ТТҲМ профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимларининг мажбуриятлари куйидагилардан иборат:

– таълим тўғрисидаги амалдаги қонунчилик, меҳнат ва технологик интизоми, ТТҲМ Устави, Ички меҳнат тартиби қоидаларига қатъий риоя қилиш; ўзининг хизмат вазифаларини виждонан бажариш ва ўқитувчилик шаънига доғ туширмаслик;

– иш жараёнида мулоқот қиладиган ТТҲМ ходимлари, талабалари ва бошқа шахслар билан хушфەъл муносабатда бўлиш;

– иш берувчининг қонуний фармойишларини бажариш, ҳар йили тасдиқланадиган шахсий режа асосида ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ҳамда ташкилий ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, хусусан:

а) ўқув ишлари, илмий-услубий ишлар, илмий тадқиқот ишлари, ташкилий-услубий ишлар, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни тасдиқланган шахсий режа асосида бажариш ва ТТҲМ да ўтказиладиган жамоат, маданий-маърифий ва маънавий-тарбиявий ишларда фаол иштирок этиш;

б) дарслик, ўқув қўлланма, услубий кўрсатмалар тайёрлаш, ўқув адабиётлари, илмий мақолалар, монографиялар ёзиш;

в) тарбиявий ишларни олиб бориш, талабалар билан маънавий-маърифий ишларда бевосита иштирок этиш, шу жумладан дарсдан ташқари вақтларда ўтказиладиган тадбирларда қатнашиш;

г) Илмий Кенгаш томонидан тасдиқланган кафедра илмий мунозаралари ва семинарларида иштирок этиш;

д) Ўз малакасини мунтазам равишда ошириш;

– меҳнатни муҳофаза қилиш, шахсий ҳавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидаларга риоя қилиш;

– муассасанинг мол-мулкани авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш;

– иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий моддий зарарни қоплаш;

– ТТҲМ да ўтказиладиган жамоатчилик ишларида қатнашиш;

– педагогик ва илмий жараённинг самарадорлигини таъминлаш;

– замонавий цивилизация ва демократия шароитида таълим олувчиларнинг танлаган йўналиши (мутахассислиги) бўйича юксак қасбий

тайёргарлигини, меҳнатга бўлган қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш;

– чет тили ва замонвий ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ўз саводхонлигини мунтазам ошириб бориш

– таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, ижодий қобилиятни шакллантириш;

– ўзига бириктирилган талабалар билан илмий, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш;

– ўзининг одоби, маданияти, юксак маънавий савияси билан ўрناк бўлиш;

– “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раисининг буйруғи ҳамда ТТҮМІ ректорининг буйруқларида белгилаб қўйилган темирйўлчи формасини кийиб юриш тартиби ва маданиятига риоя этиш.

– республикада амалга оширилаётган ислохотлар ва жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлиш;

– ТТҮМІ, факультет, кафедра томонидан ташкил этиладиган маданий, маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этиш;

– ўзи ўқитадиган фан дастурини мунтазам фан ва техника ютуқлари асосида бойитиб бориш;

– дарсларни юқори савияда ўтиш;

– фан йўналишига тегишли янги манбаларни топиш ва улар билан талабаларни таништириб бориш;

– ҳар ўқув йили бошлангунга қадар ўзи ўқитадиган фан(лар)нинг ишчи ўқув дастури, календар режаси ва рейтинг назоратлари жадвалини ишлаб чиқиш ва кафедра мажлисида тасдиқлаш;

– рейтинг назорати тадбирларини ўз вақтида ўтказиш;

– талабалар билимини холисона ва объектив баҳолаш;

– янги педагогик технологияларни дарс жараёнида қўллаш;

– илмий салоҳияти ва педагогик маҳоратини ошириш;

– талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

– олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларда фаол катнашиш.

22. ТТҮМІ профессор-ўқитувчи ходимларининг чет эл хизмат сафарлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПФ-5156-сонли “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибини такомиллаштиришга доир муҳим чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ раҳбарияти келишуви асосида амалга оширилади.

23. ТТҮМІ профессор-ўқитувчилари тарқибини уч йилда камида бир маротаба малакасини ошириш қафолатини таъминлайди.

24. ТТҮМІ нинг маъмурий-хўжалик, муҳандислик-техника, ўқув-ёрдамчи ва бошқа бўлинмалари ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қафолат ва

имтиёзлари ТТҮМИ нинг Ички тартиб-қоидалари, ходимларнинг лавозим йўриқномалари, Одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда жамоа шартномасида кўрсатилган бандлар билан белгиланади.

IV. Ўқув-тарбиявий ва илмий-услубий ишлар

25. ТТҮМИ қуйидаги йўналиш ва мутахассисликлар бўйича олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг асосий таълим дастурларини, қўшимча таълим (кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш)нинг қуйидаги дастурларини амалга оширади:

1) Олий таълим (бакалаврият ва магистратура):

а) бакалаврият таълим йўналишлари:

- 5340200 Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўл бинолари)
- 5340200 Бино ва иншоотлар қурилиши (темир йўллар)
- 5340400 Мухандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (темир йўл транспортида сув таъминоти ва канализация тизимлари)
- 5340600 Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (темир йўллар)
- 5230100 Иктисодиёт (темир йўл транспорти)
- 5230200 Менежмент (темир йўл транспорти)
- 5230900 Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (темир йўл транспорти)
- 5330200 Информатика ва ахборот технологиялари (темир йўл транспортида)
- 5310600 Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (вагонлар)
- 5310600 Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (локомотивлар)
- 5111000 Касб таълими (5310600 Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (локомотивлар, вагонлар))
- 5310600 Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (электр транспорти)
- 5310700 Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялар (темир йўл транспорти)
- 5310200 Электр энергетикаси (темир йўл транспорти)
- 5311000 Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (темир йўл транспорти)
- 5610600 Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси (темир йўл транспорти)
- 5620100 Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (темир йўл транспорти)
- 5111000 Касб таълими (5311000-Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (темир йўл транспорти))

б) магистратура мутахассисликлари:

- 5A230102 Иқтисодиёт (темир йўл транспортида)
- 5A310201 Электр таъминоти (темир йўл транспорти)
- 5A310603 Темир йўл транспорти (вагонлар, локомотивлар)
- 5A310704 Электротехник мажмуалар ва тизимлар (темир йўл транспорти)
- 5A311002 Темир йўл транспортида автоматика ва телемеханика
- 5A340201 Бино ва иншоотлар қурилиши (транспорт бино ва иншоотлари)
- 5A340203 Инфратузилма объектларини қуриш (темир йўл)
- 5A340205 Кўприклар, тоннеллар ва метрополитен қурилиши (кўприклар ва тоннеллар)
- 5A340401 Сув таъминоти, канализация, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш
- 5A340601 Темир йўлдан фойдаланиш ва темир йўл хўжалиги
- 5A340602 Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (кўприклар ва тоннеллар)
- 5A350102 Ахборот узатиш қурилмалари ва тизимлари
- 5A620101 Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (темир йўл транспорти)

26. ТТҲМ да асосий таълим дастурлари икки босқичда амалга оширилади: бакалаврият ва магистратура.

Бакалаврият - таълим йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, ўқиш муддати 4 йилдан кам бўлмаган таянч олий таълимдир.

Бакалавр ўқув дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси яқунларига мувофиқ таълим йўналиши бўйича «**бакалавр**» даражаси берилди ҳамда давлат намунасидаги диплом топширилади.

Магистратура - йўналишнинг муайян мутахассислиги бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, бакалаврият негизда, ўқиш муддати 2 йилдан кам бўлмаган олий таълимдир.

Магистр ўқув дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси яқунларига мувофиқ муайян мутахассислик бўйича «**магистр**» даражаси берилди ва давлат намунасидаги диплом топширилади.

Бакалавр ва магистрлик давлат намунасидаги диплом унинг эгаларига касбий фаолият билан шўғулланиш ёки танлаган таълим йўналишига ва мутахассислигига мувофиқ таълим муассасаларининг навбатдаги босқичларида ўқишни давом эттириш ҳуқуқини беради.

Олий таълимнинг турли босқичида асосий таълим дастурлари бўйича дастлабки таълим олиш, иккинчи олий таълим олиш сифатида қаралмайди.

27. ТТҲМ да таълим жараёнини ташкил этиш, таянч ТТҲМ томонидан ишлаб чиқилган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган ўқув режалари ва фанларнинг дастурлари, ТТҲМ ректори (ўқув ишлари бўйича проректор) томонидан тасдиқланган йиллик календар-тематик режаси ҳамда

машгулотлар жадвали билан тартибга солинади.

Таълим жараёнини мақсадли йўналтириш йўли билан ташкил этиш, яъни таълим шакллари, услуб ва воситаларини танлаш йўли билан ТТҶМІ талабаларига олий таълимнинг асосий касбий таълим дастурларини ўзлаштириш учун зарурий шароитлар яратиб берилиши лозим.

Таълим-тарбия жараёнининг бирлиги давлат таълим стандартлари билан таъминланади. ТТҶМІ нинг ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар фанлари кафедралари, маънавий-маърифий ва спорт бўғинларига, талабалар ва бошқа жамоатчилик ташкилотларига раҳбарлик қилиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича проректор томонидан амалга оширилади.

28. ТТҶМІ да ўқув машгулотларининг қуйидаги асосий турлари белгиланган: маъруза, семинар, амалий машгулот, лаборатория иши, оралик ёки якуний назорат иши, коллоквиум, мустақил иш, малакавий амалиёт, курс лойиҳаси (курс иши), ҳисоб-график иши, бакалаврлик битирув малакавий иши ҳамда магистрлик диссертацияси.

Аудитория машгулотларининг барча турлари учун 45 (ёки 40 дақиқалик танаффуссиз қўшма маъруза) дақиқалик академик соат белгиланган.

Ўқув машгулотлари орасидаги танаффус камида 10 дақиқа бўлади.

Таълим ва тарбия олиб бориладиган тиллар: ўзбек ҳамда рус тиллари ҳисобланади.

29. ТТҶМІ да кадрлар тайёрлаш ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган шаклларда олиб борилади.

ТТҶМІ нинг асосий касбий таълим дастури доирасида таълим олишнинг барча шакллари учун ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва “Ўзстандарт” агентлигида давлат рўйхатидан ўтказилган давлат таълим стандарти қўлланилади.

30. ТТҶМІ да ўқув йили икки семестрга бўлинади ва унинг ҳар бирида талабаларнинг ўзлаштириши рейтинг назорати шаклида олиб борилади.

Ўзлаштирувчи талабаларни курсдан-курсга ўтказиш факультет деканининг тавсиясига биноан ректор буйруғи билан амалга оширилади. Талабаларни курсдан-курсга шартли ўтказиш мумкин эмас.

ТТҶМІ нинг таълим дастурларини ўзлаштириш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғриси”даги Низомга мувофиқ тартибга солинади, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низомга асосан битирувчилар ўзлаштиришининг якуний назорат-аттестацияси билан тугалланади.

31. ТТҶМІ да илгор педагогик ва ахборот технологиялари, таълимни индивидуаллаштириш ва мустақил таълим олиш воситаларини, модул тизими ҳамда масофавий таълим беришни қўллаш ҳисобига мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилган илмий-услубий ишлар амалга оширилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим – жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган узлуксиз таълим тури.

а) **таянч докторантура** - Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ва химоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси изланувчилари учун олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли;

б) **докторантура** - Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ва химоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фан доктори (DSc) илмий даражаси изланувчилари учун олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли;

в) **мустақил изланувчилик** – ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда докторлик диссертациясини тайёрлаш ва химоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганиш ва улар томонидан илмий изланишлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражалари изланувчилари учун олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли.

32. ТТҲМ да олий ўқув юртидан кейинги таълим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси Раёсатининг 2015 йил 30 июндаги 217/12-сон қарори билан тасдиқланган "Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати"га мувофиқ "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ руҳсати асосида фан доктори илмий даражаси олиш учун Олий ўқув юртидан кейинги таълим ТТҲМ и орқали олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрланади.

ТТҲМ да қуйидаги ихтисосликлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрланади:

05.08.02 "Темир йўллар ва йўл хўжалиги"

05.09.05 "Қурилиш материаллари ва буюмлари"

05.01.06 "Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва қурилмалари"

05.08.03 "Темир йўл транспортини ишлатиш"

01.02.02 "Машиналар, асбоблар ва ускуналар динамикаси ва мустаҳкамлиги"

- 05.08.05 “Темир йўлларнинг ҳаракатланувчи таркиби, поездларни тортиш ва электрлаштириш”
- 05.09.01 “Курилиш конструкциялари. Бино ва иншоотлар”
- 01.02.04 “Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси”
- 05.09.07 “Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси”
- 05.04.01 “Телекоммуникация ва компьютер тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва қурилмалари. Ахборотларни тақсимлаш”
- 09.00.02 “Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси”

Олий ўқув юртидан кейинги таълимни олиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 304-сонли қарорга мувофиқ амалга оширилади.

33. ТТҲМҲ қошидаги “Кадрлар малакасини ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўл Маркази”да Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сонли “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги 1761-сонли “Малакали педагог тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чоратадбирлар тўғрисида”ги Қарорларига мувофиқ ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг педагог кадрлари малакасини ошириш I ойлик курсларда шартномага асосан ташкил этилади. Йўл марказида асосан, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Бошқаруви раисининг буйруқ ва фармойишларига мувофиқ темир йўл транспортидаги барча мутахассисликлар бўйича лавозимдаги ходимларнинг малакаси оширилади.

Йўл марказининг асосий касбий таълим дастури доирасида таълим олишнинг барча йўналишлари учун ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва “Ўзстандарт” агентлиги рўйхатидан ўтказилган давлат таълим стандарти қўлланилади.

34. ТТҲМҲ Илмий Кенгашнинг тематик режалар бўйича, бажариладиган ишларнинг сифати ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминлаган ҳолда талабалар, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва докторантура изланувчиларни кенг жалб этиб, илмий-тадқиқот ва ижодий ишларни олиб боради.

ТТҲМҲ таркибидаги “Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими” томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар қуйидаги маблаглар ҳисобидан молиялаштирилади:

- Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан фан, техника ва маданиятнинг муҳим йўналишлари бўйича фундаментал, амалий ҳамда инновацион тадқиқотларни бажариш учун “Фан”

соҳасига ажратиладиган давлат бюджети маблағлари;

- шартнома асосида манфаатдор вазирлик, идоралар, корхоналар, бирлашмалар ва бошқалар, шу жумладан хорижий ташкилотлар маблағлари.

V. ТТУМІ таркиби

35. ТТУМІ таркибига қуйидагилар киради:

а) Факультетлар:

1. Ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси
2. Электромеханика
3. Қурилиш
4. Иқтисодиёт

б) Кафедралар:

1. Темир йўл транспортида ахборот тизимлари
2. Иқтисодиёт ва менежмент
3. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит
4. Ижтимоий - гуманитар фанлар
5. Тиллар
6. Темир йўллар қурилиши, йўл ва йўл хўжалиги
7. Бино ва саноат иншоотлари қурилиши
8. Муҳандислик коммуникациялари ва тизимлари
9. Қўприқлар ва тоннеллар
10. Қурилиш механикаси
11. Информатика ва компьютер графикаси
12. Олий математика
13. Темир йўлдан фойдаланиш ишларини бошқариш
14. Транспорт логистикаси ва сервис
15. Темир йўл транспортида автоматика ва телемеханика
16. Электр алоқа ва радио
17. Жисмоний тарбия ва спорт
18. Хаёт фаолияти ҳавфсизлиги
19. Вагонлар ва вагон хўжалиги
20. Локомотивлар ва локомотив хўжалиги
21. Электр транспорти ва юқори тезликдаги электр ҳаракат таркиби
22. Темир йўллар электр таъминоти
23. Физика

в) Илмий-тадқиқот лабораториялари:

1. “Материалшунослик ва пайвандлаш”
2. “Йўл ва йўл хўжалиги”
3. “Сигналлаштириш, марказлаштириш, блокировка ва алоқа”

г) Бўлимлар:

1. Девонхона ва архив
2. Ходимлар бўлими

3. Ички назорат ва мониторинг бўлими
4. Таълим сифатини назорат қилиш бўлими
5. Биринчи бўлим
6. Иккинчи бўлим
7. Кадрлар малакасини ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўл маркази
8. Халқаро бўлим
9. Ўқув-услубий бўлим
10. Ахборот технологиялари маркази
11. Магистратура бўлими
12. Электрон таълимни жорий этиш маркази
13. Ахборот ресурс маркази
14. Таҳририй нашриёт ва полиграфия бўлими
15. “Маънавият ва маърифат” ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими
16. Талабалар шаҳарчаси
17. Музей
18. Илмий-тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими
19. Режалаштириш ва молия бўлими
20. Бухгалтерия
21. Маркетинг бўлими
22. Ўқитишнинг техник воситалари бўлими
23. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўлими
24. ТТУМІ академик лицейи
25. Фуқаро ва меҳнат муҳофазаси бўлими
26. Техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими
27. Механика бўлими
28. Энергетика бўлими
29. Капитал таъмирлаш бўлими
30. Спорт иншоотлари
31. Қозонхона
32. Ошхона
33. Видеоназорат пункти

д) ТТУМІ академик лицейи.

ТТУМІ академик лицейи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 6 августдаги Ф-1045 сонли Фармойиши асосида, Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 1999 йил 10 августдаги 240-сонли буйруғига мувофиқ ташкил этилган. 1999 йил 16 августдан 2017 йил 25 сентябргача Миробод академик лицейи номи билан ўз фаолиятини олиб борган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3290-сонли Қарорига мувофиқ академик лицей Ташкент темир yo‘l muhandisları instituti академик лицейи номи берилган.

ТТУМІ академик лицейида аниқ фанлар йўналиши мавжуд бўлиб, ушбу йўналиш ўз навбатида икки йўналишга бўлинган:

- а) аниқ фанлар I (техника);

б) аниқ фанлар 2 (иктисод).

ТТУҲИ академик лицейининг барча харажатлари «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан молиялаштирилади:

– ТТУҲИ академик лицейига педагог сифатида махсус олий маълумотга эга бўлган шахслар танлов-битим асосида, академик лицей директори тавсиясига кўра ТТУҲИ ректори томонидан ишга қабул қилинади;

– академик лицей ишчиларининг (ўқитувчилардан ташқари) иш ҳақига тўланадиган устама ҳақи амалдаги Низомлар асосида амалга оширилади.

VI. ТТУҲИ ни бошқариш

36. ТТУҲИ ни бошқариш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ушбу Уставга мувофиқ яққа раҳбарлик ва ТТУҲИ нинг Илмий Кенгаши, Васийлар Кенгаши орқали жамоатчилик бошқарувини уйғунлаштириш тамойили асосида амалга оширилади.

37. ТТУҲИ ни бевосита бошқариш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартдаги 137-Ф-сонли Фармойишида белгиланган тартиб асосида лавозимга тайинланадиган ректор томонидан амалга оширилади.

Ректор ТТУҲИ фаолияти учун шунингдек, ТТУҲИ нинг Ички тартиб қоидалари, Олий таълим тўғрисидаги Низом ҳамда мазкур Уставда белгиланган мажбуриятларга риоя қилиниши учун тўла масъулдир.

Ректор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ТТУҲИ номидан иш олиб боради, барча идоралар, муассасалар, корхоналарда унинг вакили сифатида қатнашади, ТТУҲИ нинг мол-мулкига масъуллик қилади, шартномалар тузади, ишончномалар беради, банк муассасаларида ТТУҲИ нинг ҳисоб рақамларини очади, молиявий маблағлардан ўрнатилган тартибда фойдаланиш бўйича фармойишлар беради.

Ректор ваколати доирасида:

– ТТУҲИ нинг барча ходимлари, талабалари ва бошқа таълим олаётганлар учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва топшириқлар беради;

– “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ раҳбарияти билан келишилган ҳолда факультет деканлари ва бош бухгалтерни лавозимига тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қилади;

– ТТУҲИ проректорлари лавозимига номзодларни тавсия этади ва проректорлар, деканларнинг муайян вазифалари ҳамда масъулиятларини белгилайди;

– ТТУҲИ ходимлари ва хизматчиларини, шунингдек, илмий-педагогик ходимларини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунчилиги ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ишга олиш ва бўшатишни амалга оширади;

– ТТУҲИ таркибига кирган илмий тадқиқот, тажриба-экспериментал

хамда бошқа ташкилот ва бўлинмаларнинг вазифаларини белгилайди ва улар тўғрисидаги Низомларни тасдиқлайди;

– ТТҲҲМҲ ходимларининг лавозим маошларига устамалар ва кўшимчаларни белгилайди;

– касаба уюшма кўмитаси ёки ТТҲҲМҲ нинг бошқа ваколатли органи билан келишган ҳолда Ички тартиб - қоидаларини тасдиқлайди;

– ТТҲҲМҲ нинг амалдаги меъёрий ҳужжатларига, “Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги”нинг ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритилганда, ўзининг аввалги буйруқларини бекор қилади ва уларга тегишли ўзгартириш ва кўшимчаларни киритади;

– ТТҲҲМҲ да Намунавий штат бирликларига мувофиқ ажратилган маблағлар ҳамда иш хақи фонди, ТТҲҲМҲ ходимларининг тасдиқланган сони ва лавозим маошлари, тариф сеткаси доирасида ТТҲҲМҲ профессор-ўқитувчилари таркиби ва ТТҲҲМҲ ходимларининг штат бирлигини тасдиқлайди ҳамда лавозим маошларини белгилайди;

– ТТҲҲМҲ Илмий Кенгашнинг тавсиясига кўра ўрнатилган тартибда тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ факультетлар, кафедраларни очиш ёки ёпиш ҳақидаги қарорларни тасдиқлайди.

“ТТҲҲМҲ кафедраси тўғрисидаги Низом” талабларидан келиб чиққан ҳолда ТТҲҲМҲ Илмий Кенгашнинг тавсиясига кўра янги кафедраларни ташкил этади ёки тугатади.

ТТҲҲМҲ ректорига ўзи ишлаётган ТТҲҲМҲ да ва ундан ташқарида ҳақ тўланадиган бошқа раҳбарлик лавозимида (илмий ва илмий-методик раҳбарликдан ташқари) ўриндошлик бўйича ишлашга рухсат этилмайди. Ректор ўз вазифаларини ўриндошлик бўйича бажариши мумкин эмас.

38. ТТҲҲМҲ да “Олий таълим тўғрисидаги Низом”га мувофиқ ТТҲҲМҲ фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқиш учун Илмий Кенгаш ташкил этилган.

Илмий Кенгаш таркибига ректор қиради ва у Илмий Кенгаш раиси ҳисобланади. Илмий Кенгаш таркибига проректорлар, факультет деканлари ҳамда мутахассислар тайёрловчи кафедралар мудирлари, шунингдек, талабалар ва ТТҲҲМҲ ходимлари, касаба уюшмаси кўмитаси вакиллари қиради. Илмий Кенгашнинг бошқа аъзолари умумий мажлисда (конференцияда) яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Профессор-ўқитувчилар таркибидан Илмий Кенгашга сайланадиганлар сони ректор буйруғи билан белгиланади.

Илмий Кенгашнинг ваколати, уни сайлаш ва фаолият юритиш тартиби таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган “ТТҲҲМҲ Илмий Кенгаши тўғрисидаги Низом” билан белгиланади.

39. ТТҲҲМҲ да ТТҲҲМҲ ни бошқарувчи жамоатчилик органи сифатида “Васийлар кенгаши” ташкил этилган ва унинг таркибига муассис-вазирликлар, маҳаллий ҳокимият, ишбилармон доиралар, жамоатчилик ташкилотлари, жамғарма ва васийлар, бошқа таълим муассасаларининг вакиллари қиради.

Васийлар кенгашининг таркиби, ваколатлари, шакллантириш тартиби ва фаолияти “Васийлар кенгаши тўғрисидаги Низом” билан белгиланади.

40. ТТҮМИ да касаба уюшмалари ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари фаолият кўрсатади. Талабалар ва ходимлар манфаатларини ҳимоялаш ТТҮМИ маъмурияти ва касаба уюшмаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига. Ўзбекистон темир йўлчилари ва транспорт курувчилари ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ раҳбарияти ўртасида тузилган Тармоқ Келишувига мувофиқ таълим ва фан касаба уюшмалари ҳамда уларнинг ТТҮМИ да сайланган вакиллари томонидан ҳимоя қилинади. Талабалар ва ходимлар ваколатли органларининг ҳуқуқлари ва уларга нисбатан ТТҮМИ маъмуриятининг мажбуриятлари қуйидагилардир:

- ТТҮМИ да йиғилишлар ўтказиш;
- хоналарни иситиш, ёритиш, жорий таъмирлаш ва зарур ашёлар билан жиҳозлаш;
- кўрикларни ва хоналар тозалигини таъминлаш;
- ходимларнинг меҳнат ҳавфсизлигини таъминлаш;
- факулдада ҳолисалар бўйича тайёргарлик кўриб бориш.

ТТҮМИ да амалдаги Низомларга мувофиқ илмий ва кўнгилли жамоатлар, илмий-услубий, илмий-техник кенгашлар ва комиссиялар, ёш олимлар кенгаши ва бошқалар ташкил этилиши мумкин.

Ректорат ва Илмий Кенгаш ўз фаолиятида ТТҮМИ жамоатчилик ташкилотларининг тавсияларини кўриб чиқади ва ўз фаолиятларида уларни ҳисобга олади.

41. ТТҮМИ факультетини “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ раҳбарияти билан келишилган ҳолда ректор томонидан тайинланадиган декан бошқаради.

Факультет декани ўз фаолиятида “ТТҮМИ факультети тўғрисидаги Низом”га амал қилади.

“ТТҮМИ факультети тўғрисидаги Низом”га мувофиқ факультетда Илмий Кенгаш ташкил этилади.

Илмий Кенгашнинг таркиби, ваколатлари, шакллантириш ва фаолият юритиш тартиби “ТТҮМИ факультетининг Илмий Кенгаши тўғрисидаги Низом” билан белгиланади.

Кафедра фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “ТТҮМИ кафедраси тўғрисида”ги Низомга мувофиқ танлов асосида ТТҮМИ Илмий Кенгаши томонидан сайланадиган мудир раҳбарлик қилади.

Кафедра мудирининг ваколатлари ва кафедра фаолиятининг тартиби “ТТҮМИ кафедраси тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

VII. Молия - хўжалик фаолияти ва моддий-техник базаси

42. ТТҮМИ га ушбу Уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида оператив бошқарниш ҳуқуқи билан “Ўзбекистон темир йўллари”

АЖ томонидан бинолар, иншоотлар, мулкый мажмуалар, ТТҮМІ паспортига мувофик асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, шунингдек, истеъмол, ижтимоий, маданий-маиший ва бошка мақсадлар учун зарур бўлган мулклар бириктирилган.

ТТҮМІ фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамасининг қарори билан амалга ошириладиган давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган объектлар каторига киритилган.

ТТҮМІ га ажратилган ер участкалари муддатсиз текин фойдаланиш учун бириктирилган.

ТТҮМІ “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ маблағлари ҳисобидан, акциядорлик жамияти бошқаруви раиси томонидан тасдиқланган сметага мувофик молиялаштирилади.

ТТҮМІ нотижорат муассаса ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси бюджет муассасаларига тааллуқли бўлган амалдаги Низомлар, йўриқномаларга мувофик фаолият юритади.

43. ТТҮМІ га жисмоний ва юридик шахслардан совға, ҳадя ёки васият бўйича берилган пул маблағлари, мол-мулк ва бошка мулкый объектларга, ТТҮМІ фаолиятининг самараси ҳисобланган интеллектуал ва ижодий маҳсулотларга, шунингдек ўз фаолияти орқали оладиган даромадлар ва бу даромадлар ҳисобидан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ раҳбарияти билан келишган ҳолда сотиб олинadиган мулкый объектларга эгалик қилиш ҳуқуқи берилган.

44. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 26 февралда 2431-рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги Низом”га мувофик ТТҮМІ да ўқитишнинг контракт шаклидан тушган маблағлар ТТҮМІ даромадига киритилади ҳамда тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофик ТТҮМІ нинг қуйидаги эҳтиёжлари учун сарфланади:

ТТҮМІ да ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда контракт асосида таълим олаётган талабаларга (хорижий талабалардан ташқари) стипендиялар тўлашга;

ТТҮМІ ходимларининг иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловлари, шунингдек ягона ижтимоий тўловлар бўйича харажатларни тўлашга;

ТТҮМІ бино ва иншоотларни сақлаш ҳамда коммунал хизматлар бўйича харажатларни тўлашга;

мавжуд кредиторлик қарзларни ўзишга;

ўқув-лаборатория бинолари, талабалар турар жойлари ҳамда бошка бино ва иншоотларни, асбоб-ускуналарни жорий ва капитал таъмирлашга, олий таълим муассасасининг ҳудудини ва атрофини ободонлаштиришга, шунингдек қурилиш-тиклаш ишларига;

ўқув, илмий-тадқиқот ва лаборатория жиҳозлари, юмшоқ ва каттик

инвентарлар, мебеллар, ўқитишнинг техник воситалари, компьютер техникаси ва уларнинг эҳтиёт ҳамда бутловчи қисмлари, плакатлар, стендлар каби кўргазмали қуроллар, ёритиш-қучайтириш воситалари, жисмоний тарбия ва спорт ашёлари, бадий хаваскорлик тўғараги учун мусика асбоблари, ТГУМЭ эҳтиёжлари учун керакли материалларни ва бошқаларни сотиб олиш ҳамда таъмирлашга;

ТГУМЭ Ахборот-ресурс маркази (кутубхона) фондини тўлдиришга;
хизматчи уяли телефон ва ахборот-интернет харажатларини тўлашга;
транспорт воситаларини жорий таъмирлаш ва техник қўриқдан ўтказишга;

ТГУМЭ нинг барча бинолари, майдонлари, техника воситалари, иссиқлик, сув, газ ва электр таъминоти жиҳозлари ва тармоқлари каби муҳандислик коммуникациялари ва талабалар турар жойларини куз-киш мавсумида ишлаш учун тайёрлаш-таъмирлаш ишларига;

талабалар ва ходимлар ошхонаси ва буфетлари эҳтиёжлари учун зарур инвентар, жиҳозлар ва хомашё ва озик-овқат маҳсулотларни харид қилишга;

ТГУМЭ да ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва фуқаро муҳофазасини таъминлаш учун зарур жиҳозлар, материаллар ва буюмларни харид қилишга ва тадбирларни ўтказишга;

кондиционер ва совутқичлар сотиб олиш ва уларни таъмирлашга;

«Маънавият ва маърифат» тадбирлари, «Универсиада» ва «Баркамол авлод» спорт тадбирлари, «Нихол» ижодий фестивалларини ўтказишга;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъод» жамғармаси йўналиши бўйича хорижий олий ўқув юрғларида истикболли ёш педагог ва илмий кадрларни малакасини ошириш ва стажировка ўташларига;

ТГУМЭ ходимларини моддий рағбатлантиришга (устама ҳақ, қўшимча тўловлар, мукофотлар) ва уларга моддий ёрдам кўрсатишга;

ТГУМЭ талабаларини ижтимоий муҳофаза қилиш доирасида бир йилда бир талабага энг кам иш ҳақининг олти баробаридан ортиқ бўлмаган миқдорда бир йўла моддий ёрдам кўрсатишга;

- гуруҳ мураббийларининг фаолияти самарадорлиги ва масъулиятини янада ошириш, уларнинг доимий рағбатлантириб борилишини таъминлаш мақсадида ҳар бир гуруҳ мураббийига (жумладан мураббийлар кенгаши раҳбарларига) ойлик маошининг 25 фоизигача миқдорда устама ҳақ тўланишини таъминлашга;

- ҳар ўқув йилида маънавий-маърифий ишларни молиялаштириш мақсадида таълим муассасаси харажатлари сметасининг камида 5 фоизини юқорида назарда тутилган харажатлар учун ажратишга;

ТГУМЭ фаолиятини амалга оширишни таъминлаш учун зарур бўлган бошқа харажатларни қоплашга.

Харажатларни амалга оширишда маблағлар биринчи навбатда стипендия, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда энергия ресурслари ва коммунал хизматларнинг ҳақини тўлаш мақсадларига йўналтирилади.

45. ТТҮМІ мол-мулкни ижарага олувчи ва мол-мулкни ижарага берувчи сифатида фаолият кўрсатиш ҳукукига эга. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ТТҮМІ ўзига бириктирилган, ижарага берилиши конун ҳужжатларига зид бўлмаган бинолар, иншоотлар ва уларнинг қисмлари, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари шаклидаги давлат мулки ва бошқа мол-мулкларни Илмий Кенгашнинг розилиги билан тасарруф этиш ҳукукисиз, белгиланган нархлар бўйича вақтинча ижарага беришни амалга оширади.

Ижара ҳақи сифатида олинган маблағлардан ТТҮМІ нинг таълим жараёнини таъминлаш ва уни янада ривожлантириш учун фойдаланилади.

46. ТТҮМІ нинг таълим фаолиятини молиявий таъминлаш “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ маблағлари ҳисобига, белгиланган давлат меъёрида, давлат грантига мувофиқ мутахассисларни тайёрлаш, кайта тайёрлаш ва ходимларнинг малакасини ошириш талабалар ва тингловчиларни ўқитиш учун белгиланган тартибда олинган тўлов-шартнома асосидаги маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

47. ТТҮМІ нинг асосий фаолиятига зарар етмайдиган тартибда таълим ва бошқа соҳаларда пуллик хизмат фаолиятини амалга ошириш мумкин. ТТҮМІ шуғулланадиган тadbиркорлик фаолияти унинг Уставида белгиланган вазифаларга мос келиши керак.

ТТҮМІ ўз мулки билан хўжалик жамиятлари ва ширкатларнинг Низом жамғармасида қатнашиш, пуллик таълим хизматлари, консалтациялар ва бошқа хизматлар учун нархларни белгилаш, солиқ ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбурий тўловлардан сўнг қолган даромадни мустақил тасарруф этиш ҳукукига эга.

ТТҮМІ нинг пуллик таълим хизматлар кўрсатиши “Ўзбекистон темир йўллари” АЖдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидаги таълим фаолияти доирасида ва унинг ўрнига амалга оширилиши мумкин эмас.

ТТҮМІ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда мазкур Уставга зид бўлмаган шартномаларни тузиш, мажбуриятлар ва бошқа шартларни белгилаш бўйича масалаларни мустақил ҳал қилади.

48. ТТҮМІ да лавозим маошлари меҳнат шарномаси (битими) тузилаётганда “Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низом” ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига мувофиқ белгиланади. ТТҮМІ ходимига лавозим маоши (ставка), ўз функционал вазифаларини ҳамда меҳнат шартномасида назарда тутилган ишларни бажарганлиги учун тўланади. Қўшимча тўлов, маош, устама, муқофот ва бошқа моддий рағбатлантириш тadbирларини ТТҮМІ “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ раҳбарияти томонидан тасдиқланган Низомларга мувофиқ амалга оширади, иш ҳақи фонди доирасида қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва ҳажмда белгилайди.

Профессор-ўқитувчилар ва ходимларга белгиланган маошлар “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раисининг буйруқларига

мувофик ҳамда аттестациянинг факат ижобий натижасига кўра, уни ошириш мақсадида қайта кўриб чиқишни мумкин.

49. ТТҲҲМІ ташкил этилган жамоат ташкилотларига фаолият кўрсатишлари учун зарур бўлган хоналарни ажратади ва уларни тозалашни ташкил этади.

ТТҲҲМІ қоннидаги тиббий-саҳитар муассасасига, шунингдек, унинг ҳудудида жойлашган ёки ТТҲҲМІ балансида бўлган ҳамда талаба, тингловчи ва ходимларга хизмат кўрсатувчи ошхона ва бошқа умумий овқатланш муассасаларига иситиш, ёритиш ва сув таъминоти билан таъминланган хоналар ажратилади.

ТТҲҲМІ га тегишли биноларни таъмирлаш, реконструкция қилиш ёки янгиларини қуриш, уларнинг молиявий таъминоти қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

VIII. Халқаро ҳамкорлик

50. ТТҲҲМІ Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 33-моддасига мувофик таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этади, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлири билан бевосита алоқалар ўрнатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлири ташкил этиш ҳуқуқига эга. Чет эл фуқароларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малақасини ошириш, таълим муассасаси илмий-педагогик ходимларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ўқитувчилик ва илмий-тадқиқотчилик ишлари давлатлараро органининг хорижий давлатларнинг таълимни бошқариш бўйича тегишли органлари орасидаги шартномалар, шунингдек ТТҲҲМІ нинг қонунчиликка мувофик чет эл фуқаролари ва хорижий юридик шахслар билан бевосита тузган шартномалари асосида амалга оширилади.

51. ТТҲҲМІ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- халқаро нодавлат ташкилотларга аъзо бўлиш;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари деб қаралиши мумкин бўлмаган, хорижий шериклар билан ҳамкорликдаги фаолият тўғрисида белгиланган тартиб асосида шартномалар тузиш;
- хорижий шериклар иштирокида олий таълим муассасасининг таркибий бўлинмалари (марказлар, лабораториялар, техник саройлар ва бошқа бўлинмалар)ни қонунчиликда кўзда тутилган тартибда ташкил этиш;
- Ўзбекистон Республикасига қўшни ва чет эл олий таълим муассасалари талабалари ва илмий-тадқиқотчиларининг стажировка ва амалиётларини ташкил этиш.

52. ТТҲҲМІ Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофик ушбу Устава назарда тутилган ва “Таълим тўғрисида”ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурда белгиланган вазифаларни бажаришга, шунингдек халқаро алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилган ташки иктисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

53. ТТҲҲМІ нинг ташки иктисодий фаолиятдан тушган валюта, моддий

тушумлари конунчиликка биноан унинг Уставида белгиланган фаолиятини таъминлаш учун ишлатилади.

IX. ТТҮМІ да ҳисоб ва ҳисоботлар юрғитиш

54. ТТҮМІ ўқув, илмий ва молиявий - хўжалик фаолияти якунлари ҳақида Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган конунчилик ва меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартибда ва шаклда тезкор, бухгалтерлик ва статистика ҳисоби ва ҳисоботларини юритади.

Юқоридаги ҳисоботларни белгиланган тартибда ва муддатларда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг молия, иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш, статистика, персонални бошқариш ва кадрлар тайёрлаш бонқармаларига, давлат статистика бўлимига, пенсия жамғармасига, хизмат кўрсатувчи банкка ва давлат солиқ органларига топширади.

X. Якуний ҳисоблар

55. ТТҮМІ Ўзбекистон Республикасининг конунчилигида белгиланган тартибда қуйидагиларга жавоб беради:

- унинг ваколатига киритилган вазифалар бажарилмаганлиги;
- таълим жараёнида ўқув режа ва жадвалларга мувофиқ таълим дастурлари ҳажми тўлиқ бажарилмаганлиги;
- таълим жараёни вақтида ТТҮМІ да таълим оловчилар ва ходимларининг ҳаёти ва соғлиғи;
- таълим оловчилар ва ТТҮМІ ходимларининг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилганлиги;
- Ўзбекистон Республикасининг конунчилигида назарда тутилган бошқа хатти-ҳаракатлар.

56. ТТҮМІ Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ белгиланган тартиб асосида қайта ташкил қилиниши ёки тугатилиши мумкин.

57. ТТҮМІ нинг Уставига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг буйруғи асосида амалга оширилади.

58. Ушбу Устав ТТҮМІ Кенгашининг 2018 йил 29 январдаги йиғилишида маъқулланган.

Асос: ТТҮМІ Кенгашининг 8-сонли баённомаси.



«O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI»

AKSIYADORLIK JAMIYATI

BUYRUQ

2018-yil « 7 » 01

TOSHKENT

№ 331 / 12

«Об утверждении Устава Ташкентского института Инженеров железнодорожного транспорта в новой редакции»

В целях усовершенствования деятельности Ташкентского института инженеров железнодорожного транспорта и во исполнение приказа председателя правления №308-Н от 4 августа 2015 года, **приказываю:**

1. Утвердить «Устав Ташкентского института инженеров железнодорожного транспорта» (далее ТаШИИТ) в новой редакции согласно приложению, к настоящему приказу и ввести его в действие со дня регистрации в Центре «Ягона дарча» Мирабадского района города Ташкента.

2. Ректору ТаШИИТ Расулову М.Х. обеспечить:
регистрацию, в установленном порядке Устава ТаШИИТ в новой редакции в Центре «Ягона дарча» Мирабадского района города Ташкента;
неуклонное соблюдение всеми сотрудниками и студентами, во всех видах деятельности института требований Устава ТаШИИТ;

в месячный срок внести соответствующие изменения и дополнения в действующие локальные документы, во внутренние приказы и положения о факультетах, кафедрах, отделах и подразделениях, в правила внутреннего трудового распорядка института, довести до сведения причастных.

3. Считать утратившим силу приказа председателя правления №188-Н от 03 мая 2016 года «Об утверждении Устава Ташкентского института Инженеров железнодорожного транспорта в новой редакции».

4. Контроль над исполнением настоящего приказа возложить на заместителя председателя правления Кадирова Э.Ш.

**Первый заместитель
председателя правления**

А.С. Шукуров